Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 1 июнь, шанба • № 43 (10.818) • Эркин нархда сотилади

САМАРАЛИ САФАРЛАР

***ЮРТБОШИМИЗНИНГ** иш кунлари ҳамиша тиғиз. Давлат аҳамиятига молик ўнлаб, юзлаб масалаларни ҳал этиш, сафарлар, қабуллар, учрашувлар, мулоқотлар. Ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа ҳисобда. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг сўнгги ойларда Вьетнам, Франция, Эрон, Туркманистон сингари мамлакатларга буюрган ташрифлари, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО), Мустақил Давлатлар Ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатлар раҳбарлари билан учрашувларда иштирок этишлари, турли халқаро ташкилотларнинг делегацияларини қабул қилишлари, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотлари фикримизнинг далилидир. Куни кеча эса Президентимиз Кавказорти республикалари — Озарбайжон ва Грузияга қилган навбатдаги сафаридан қайтиб келди.*

Бу ташрифлар ҳам серсамара бўлди.

МАЪЛУМКИ, 13 майда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг Туркманистон заминида бўлиб ўтган тўртинчи учрашуви чоғида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақидаги шартномага ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битимга имзо чекилган эди. Президентимизнинг Озарбайжон ва Грузия республикаларига қилган сафарлари ана шу ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Озарбайжон тупроғида мамнуният ва чуқур миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олинди. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев билан мулоқотлар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ҳ. Алиевнинг ҳар бир учрашувда Президент Ислом Каримовнинг оқилона ички сиёсати, иш юритиши туфайли Ўзбекистон бугун ҳар жиҳатдан кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда, дея такрорлаши бежиз эмас эди. Юзма-юз бўлган мулоқотларда Ўзбекистон Президенти халқаро Транскавказ йўлагини барпо этиш жуда муҳим ўрин тутишлигини кўп марта таъкидлади. Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр, деди у. Айни пайтда Озарбайжон орқали Оврупога ўтар эканмиз, бу мамлакатда барқарор тинчлик бўлишидан биз ҳам манфаатдормиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Музокаралар якунида президентлар Ўзбекистон ва Озарбайжон республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бўлиб ўтган матбуот анжуманида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларга мустаҳкам пойдевор қўйганлиги алоҳида таъкидланди.

Сафар давомида яна бир диққатга сазовор воқеа бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Боку Давлат университети фахрий доктори унвони берилди ҳамда унга докторлик дипломи тантанали вазиятда топширилди.

28 май куни И. Каримов Грузияга келди.

Икки томонлама музокараларда асосан Транскавказ йўлининг Грузиядан ўтадиган қисмини жадал барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятидан тўла фойдаланиш бош мавзу бўлди. Зеро, бугунги кунда Оврупо билан Марказий Осиё, қолаверса, бутун Осиё мамлакатларини боғловчи бу транспорт йўлига Оврупо Иттифоқи, бир қанча халқаро ташкилотлар ҳам катта қизиқиш билдирмоқдалар. Ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини изҳор этмоқдалар.

Президентлар Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе музокаралардан сўнг Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида молия-саноат гуруҳини тузиш, ҳуқуқ-тартибот, савдо алоқаси, почта алоқаси, солиқ, божхона тизими каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида 15 га яқин ҳукуматлараро шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

— Биз Ўзбекистон раҳбарини энг оғир дамларда ўз мамлакатини инқироздан қон тўкишларсиз, талафотларсиз олиб чиққан оқил сиёсатчи сифатида биламиз, — деди Грузия Президенти Э. Шеварднадзе, — Грузия эса аввал бошданоқ худди шу йўлни тутмагани мамлакат бошига катта қийинчиликларни солди.

Грузия ўлкасида бўлган қатор бошқа учрашувларда ҳам Ўзбекистон раҳбарининг тутаётган ташқи ва ички сиёсатига юксак баҳо берилди.

Президентимизнинг Кавказорти мамлакатларига эзгу ният билан қилган ташрифи кўнгилдагидек ўтди. Унда белгиланган натижаларга эришилди. Зотан, Транскавказ йўлининг барпо этилиши нафақат Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон ва Туркманистон мамлакатлари, балки, бутун Осиё ва Оврупо давлатлари учун ҳам янги имкониятлар очади. Чунки, бутун жаҳон иқтисодиётининг интеграцияси даврида бундай коммуникация йўллари алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг денгиз йўлларига чиқиш борасидаги фаол саъи-ҳаракатларининг пухта ўйланганлигини таъкидлаш лозим. Бунинг оқибати ўлароқ, Ўзбекистон бугун денгизга элтувчи бир эмас, икки-уч қулай йўлга эга бўлмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оврупода Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОХХТ) парламент Ассамблеяси президенти Франк Свален раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Унда Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз билан ОХХТ ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигидан мамнунлик изҳор этди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти ГФР ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелни ҳам қабул қилди. Унда И. Каримов ГФР ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожида муҳим ўрин тутажаклигини таъкидлади.

ОЛТИН МЕДАЛ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшни қабул қилди. Қабул чоғида Ўзбекистон раҳбари меҳмонга мамлакатимизнинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги тўғрисида гапириб берди. «Ўзбекистон халқи бу йил истиқлолнинг беш йиллигини нишонлайди, — деди жумладан Президент, — чиндан ҳам халқимиз бой тарихга ва интеллектуал имкониятларга эгадир».

Қабул давомида А. Богш ЖИМТ давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни олтин медал билан мукофотлашга қарор қилганини билдирди ва у илмий ва технологик ихтирочилик фаолиятига кўмаклашишга, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорлигига шахсан қўшган буюк ва ижодий ҳиссаси учун юртбошимизга ЖИМТнинг олтин медалини топширди.

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЎЙНАГИЛ ГУЛИМ, ЎЙНА...

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ВАТАН МАДҲИ

«Чимён—96» муаллиф қўшиқлари халқаро фестивали бўлиб ўтди. Фестивал республика мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови доирасида ташкил этилган эди.

Шу кунларда ғарбий Тиёншондаги Чимён дарасида муҳаббат, дўстлик, Ватан тўғрисидаги қўшиқлар куну тун тиним билмай янграб турди. Дастлаб икки соат ичида очиқ майдонда чодирлар лагери пайдо бўлди. Сўнгра чодирлар олдида гулханлар ёқилиб, қўшиқлар янгради.

Тоғдаги бу томошани уюштирган Ўзбекистон Республикаси муаллиф қўшиқлари клублари уюшмаси, маҳаллий ҳокимият органлари ва тижорат ташкилотлари очиқ майдонда ажойиб манзарали улкан томоша «зал»и барпо этиш учун кўп куч ва меҳнат сарфлашди. Ижрочилар ва тингловчиларнинг нигоҳларини чўққиларга чорлагандек тепада улкан ҳаво шари пайдо бўлди. Хуллас, қадимий Чимён шу пайтгача бундай манзарани кўрмаган, бундай қўшиқларни тингламаган эди...

Беллашув бир неча босқичда ўтди. Фестивалнинг 50 нафардан ортиқ иштирокчиси Тошкент, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Москва, Қозон ва бошқа шаҳарлардан келган, шу сабабли қўшиқлар мавзуси ҳам хилма-хил эди: тоғда ватанпарварлик, ўз ватани билан фахрланиш, элга муҳаббат, ёшларга хос ҳазил қўшиқлар янгради. Фестивал ғолиблари «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида бўладиган якунловчи концертга таклиф этилди.

Фестивал давомида кишилар гулхан атрофида тўпланишди, гитаралар қўлдан-қўлга ўтди. Юлдузлар порлаб турган осмон, салобатли қорли чўққилар шундай муҳитни вужудга келтирдики, ҳар қандай кишининг беихтиёр қуйлагиси, янги қўшиқларни тинглагиси келарди, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланарди...

А. ОТАЕВА,
ЎзА мухбири.

Акс садо

ҚИШЛОҚЛАР ЖАМОЛИ ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ

Мамлакатимиз Президенти яна бир ҳайрли ва савобли ишга қўл урдилар, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қарори асосида 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тасдиқлангани ва унда айниқса қишлоқ умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш объектларини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва қурилиш ишларини амалга ошириш масаласига алоҳида урғу берилгани туманимиз аҳолисининг айни кўнглидаги иш бўлди. Зеро бу масалалар шу кунинг етилган ва изчиллик билан ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим ижтимоий масалаларидан бири бўлиб қолганди.

Тўғри, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бери ўтган давр мобайнида туманимизда бу соҳада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Шу кунларда қишлоқларда 47 та умумий таълим мактаблари, мактаб интернат ва ҳунар техника билим юрти ёшларга таълим-тарбия беряпти. Уларда 17,5 минг нафар ўқувчи таҳсил олаётир. Булардан ташқари 55 та мактабгача тарбия муассасаларидан 14 таси маҳаллий бюджет, 41 таси эса жамоа хўжаликлари, «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмаси ва С.Сегизбоев номли корпорация маблағлари ҳисобига 2300 дан кўпроқ ўғил ва қизларни тарбияламоқда.

Туман ҳудудларида соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини кучайтириш ва уларни кенгайтириш, янги қурилишлар олиб бориш соҳасида кўп ишлар қилиняпти. Ҳозир қишлоқларда бир кунда 950 беморни қабул қилишга мўлжалланган 3 та поликлиника, 440 ўринли 3 та касалхона, 44 та фельдшер-акушерлик ва 8 та қишлоқ даволаш маскани ходимлари беморларга малакали хизмат кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш соҳасида аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни ниҳоясига етказиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган йили аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 99,6 фоиз қилиб бажарилганди. Бу соҳада қурилиш ишларини тезкорлик билан олиб боряпмиз. Шу йилнинг охиригача туман худудларидаги қишлоқларда аҳоли водопровод суви билан тўла таъминланади.Шунингдек қишлоқларни газлаштириш соҳасидаги ишлар ҳам жадал давом эттирилади.

Туман ҳокимлиги худудимизда 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини белгилаган. Унда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ички имкониятлардан тўла фойдаланиб, шифохоналарнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларни дори-дармонлар билан етарли таъминлаш чораларини амалга ошириш алоҳида ўрин тутади. Келгусида хўжаликларда доривор ўсимликлар ўстириш учун қулай ва ҳосилдор майдонлар ажратиш кўзда тутилган. Мактаблар ва мактабгача бўлган болалар муассасаларининг моддий техника базаси ҳам яхшиланиб, ёшлар тарбияси шу кун талаблари асосида олиб борилади. Уларни маънавий, аҳлоқий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибор рухида тарбиялаш соҳанинг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўйилган.

Биз республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек қишлоқ умумтаълим мактаблари ва соғлиқни- сақлаш объектларини кенгайтириш ва қуриш ишларини амалга ошириш, шу йил мобайнида фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг бошқа муассасаларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш ҳисобига қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш тадбирларини ҳам изчиллик билан амалга оширяпмиз. Бу соҳани малакали врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминлаш ҳам ҳокимликнинг доимий эътиборида бўлади. Бошқача айтганда қишлоқларни ижтимоий ривожлантира бориб аҳолининг моддий турмуш шароитини тубдан яхшилашга эришамиз. Зеро бу — шу куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Тожибой БЕКБЎТАЕВ,
Оққўрғон тумани Истиқболни белгилаш ва статистика бўлимининг бошлиғи.

КЎНГИЛНИНГ ТЎҚ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Долзарб мавзу

... БОЛАЛИГИМИЗДА уйимизнинг болахонасида икки бўлмали тахта кандик бўларди. Кандикнинг бир бўлмасида буғдой, бир бўлмасида шоли сақланарди. Биз беркинмачоқ ўйнаб, ана шу кандикка яширинардик. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни олти-етти нафар бола чўнтакларимизни ана шу кандикдаги ғаллага тўлдириб тушиб, бир-биримизга отиб ўйнай бошладик... Бирдан даладан бувам келиб қолдилар. Аҳволни кўриб ҳаммамизни — бу нон-ку, нонни уволи тутади-ку, — дея шундай койидиларки, очиғи, бола бўлиб бувамнинг бировни бунчалик қаттиқ жеркиганларини эслай олмайман.

Буни кўрган амаким, — намунча, койимасангиз, бола бола-да, энди дориломон кунлар келди, кандикда ғалла асрашга ҳам ҳожат қолмади, — дедилар.

— Бекор айтибсан, бола бошидан, кимнинг омборида ғалласи бўлса, кўнгли тўқ бўлади, биллдингми, — деб жавоб бердилар.

Албатта, биз ўша пайтда бу гапларнинг маъзини тушунмаганмиз. Аммо, бувам раҳматли умрларининг охиригача ўз билганларича иш тутдилар. Ҳар икки-уч йилда кандикдаги ғалланы янгилаб борар эдилар.

... Бугун далаларимизда етилган ғалланинг бўлиқ бошоқларини кўриб, ана шу воқеани эсладим. Дарҳақиқат, ғалла ризқ-рўз, ғалла — барака, ғалланг бўлса кўнгил тўқ, белинг бақувват. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Лекин, деҳқончиликда даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб, деган гап бор. Демоқчимизки, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш тадоригини кўрган деҳқон ҳамиша ютади. Ана шунинг учун ҳам куни кеча Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган кенгашда бутун диққат-эътибор ҳосилни қисқа муддатларда ўриб олиш, бунинг учун техникани тўлиқ тайёрлаш, мавжуд кучларни сафарбар этиш, ғаллакорларга қулай шарт-шароитлар яратиш, айни вақтда, ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин етиштириш масалаларига чуқур тўхталинди. Дарҳақиқат, бу ҳар бир вилоятда, туман, хўжаликка тегишли вазифалар. Чунки, 1996 йилда Тошкент вилоятида салкам 132 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Оқсоқол деҳқонлар вилоятда бунчалик кўп ғалла экилганлигини эслашолмайди. Давлатга 214 минг тонна дон топшириш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг фикрича, далаларда мўлжалдагидан ортиқ ҳосил бор. Жойларда ташкилий ишлар ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Аввало, буюртмачи ва хўжаликлар ўртасида контрактация-шартномалари тўлиқ имзоланди. Техника воситалари сўнгги кўрикдан ўтмоқда. Қатор туманлардан, хўжаликлардан хабар қилишларича, ташаббускор гуруҳлардан ташкил топган ўроқчилар ҳам ишга шай туришибди.

Лекин, таҳлиллар ҳамма жойда ҳам ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Буни ҳам очиқ айтиш керак. Ҳалигача ўрим техникаси тўла таъмирланмаган хўжаликлар бор. Ғалла шундай экинки, уни етилгандан кейин қанчалик тез ва қисқа фурсатда ўриб-янчиб олсангиз, шунчалик нобудгарчилик кам бўлади. Шунинг учун ҳам мавсумни 20-25 иш кунида якунлаш асосий шарт қилиб қўйилди. Агар бу вазифа бажарилмаса, ўрим яна ўтган йиллардагидек чўзилса, ҳосилнинг кўп қисми йўқотилади. Буни ҳисобга олиш керак.

Яқинда Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бош ҳосилоти Карим Абдураимов билан мулоқотда бўлдик. Ўтган йили бу хўжалик тумандагина эмас, вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб ғалла режасини бажариб, юқори натижага эришган эди.

— Лекин, ишимизни таҳлил қилиб шунга амин бўлдикки, — дейди Карим ака, — биз ғаллачиликдан анчагина чиқиб кетган эканмиз. Ғалла сепилса бўлди, ўзи чиқиб, ўзи етилаверади, деб хом хаёлда юрган эканмиз. Ўтган йили йўл қўйилган ана шундай хатоликлар туфайли айрим майдонлардан 25 центнер ҳосил олдик. Аксинча, суви, ўғити, парвариши вақтида бўлган ерларда эса ҳосилдорлик 50 центнердан ошди. Бу бизга сабоқ бўлди. Бу йил, кўз тегмасин, ғалламизнинг аҳволи кўнгилдагидек. Бунга эришиш учун қатор тадбирларни амалга оширдик. Биринчидан, ғаллазорлар оилаларга, имкониятига қараб, беш-ўн гектардан бўлиб берилди.Ер эгалари февраль ойида гектарига 200 килограммдан азот, 150 килограммдан аммофос сепишди. Март ойининг бошларидаёқ суғоришни бошладик. Ижарачилар билан қатъий шартнома тузилди. Шартномадаги энг асосий банднинг моҳияти шундаки, ғаллакорлар қанчалик кўп ҳосил олишса, шунчалик кўп манфаатдор бўладилар. Пул билан бирга ғалла оладилар.

Фақат бугина эмас. 1995 йилда хўжаликда ўрим мавсумининг чўзилиб кетганлиги, комбайнларнинг етишмаслиги ҳам панд берган эди. Бунга ҳам барҳам берилди.4 та янги «Нива» ва «Енисей» комбайнлари сотиб олинди. Ҳисоб-китобни пухта олган «ўзбекистон»ликлар 451 гектар майдондаги ғаллани 15 кунда саранжомлаб, камида 45 центнердан ҳосил олишни кўзлаб туришибди.

Бу яна бир бор ер эгасига берилган жойларда ишнинг баракали бўлишини кўрсатмоқда. Шундай экан, республикамиз Президенти таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигида мулк эгасини шакллантириш, унга ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини сингдиришнинг вақти келди.

Ўрим-йиғимни қисқа муддатларда ўтказишнинг асосий омилларидан яна бири — мавжуд қабул пунктлари ва омборларни мавсумга тўла-тўкис шай қилиб қўйиш, ҳосилни тўхтовсиз қабул қилиб олиш бўлса, яна бири — техникалар учун ёнилғи-мойлаш материаллари заҳирасини етарли даражада ҳозирлаб қўйишдир. Яшириншинг ҳожати йўқ. Айнан мана шу масалада кўп оқсаймиз.

... Яқинда қатор хўжаликларни айланишга тўғри келди. Бир текис ўсган ғаллазорлардаги бўлиқ бошоқлар киши ҳавасини келтиради. Олди майдонларда донга ранг кирибди. Одамларнинг кайфияти яхши. Ўзимча ўйлайман. Деҳқонларимиз ғаллачиликнинг сир-асрорларини қайтадан ўрганиб олдилар. Ғалланинг иқтисодиётимиздаги, керак бўлса, сиёсатимиздаги аҳамиятини тушуниб етдилар. Ҳа, Президентимиз айтганидек, ғалла мустақиллиги энг асосий муддаодир. Доимо кандикда ғалланг бўлиб, кўнглинг тўқ бўлганига нима етсин. Бу эса ўзимизга боғлиқ. Шунга яраша ишлаш, меҳнат қилиш, масъулиятни ҳис қилиш керак!..

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

МАРКАЗ ТАШАББУСИ БИЛАН

ҚИРҒИЗИСТОНнинг Ўзбекистондаги элчиси Ботирали Сиддиқов Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида бўлиб, шу ерда яшаб меҳнат қилаётган қирғиз миллати вакилларининг ҳаёти билан танишди.

Элчи икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Шунингдек учрашувда Тошкентдаги қирғиз маданияти маркази раисининг биринчи ўринбосари Тўланбой Қурбонов, Республика ўзбек-қирғиз дўстлик жамияти раиси Жуманиёз Жабборов маркез томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Носиров, «Туркистон» жамоа хўжалиги бошқарувчи раисининг муовини И. Аширбоев, 35-мактаб директори Э. Исроилов ва бошқалар элчига миннатдорчилик билдириб, бундан буён ҳам қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораверишига ишонч билдиришди.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ.

ЙЎЛЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

КЕНГ равон, чиройли йўллар халқ хўжалигига хизмат қилиши билан бирга киши баҳри дилини ҳам очади. Шу кунларда Чирчиқ-Тошкент, Тошкент — Чиноз, Тошкент — Ўш йўлларини таъмирлаётган «Тошавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмаси йўлсозларининг хизмати ана шу мақсадга қаратилган.

Жамоа шу йилнинг биринчи чорагида 57 миллион сўмлик таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини бажарди. Иккинчи чоракда бу кўрсаткич янада ортади. Чунки йўл таъмирловчилар ишларига Чиноз туманида темир йўл устига кўприк қуриш, Зангиота туманида Бўзсув ГРЭСининг кўпригини таъмирлаш каби тадбирлар ҳам қўшилди.

Саид ВАЛИЕВ.

АМИР ТЕМУР АВЛОДИДАН

ҒАЗАЛКЕНТ шаҳридаги «Бошоқча» тўртинчи болалар боғчасида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бадиий тадбир ўтказилди. Тантанада тумандаги болалар боғчаларининг мудиралари, тарбиячилари ва ота-оналар иштирок этдилар. Тадбирни Н. Сулаймонова, Ш. Вакилова, Н. Маҳкамова, Ҳ. Саддиддиновалар тайёрлади. Тайёрлов гуруҳининг кичкинтойлари Амир Темурнинг она-Ватан ҳақидаги, яхшилик, мардликка чорловчи ўгитларидан намуналар ўқишди. Шеърлар ёд олишди.

Рўзмат ИСМОИЛОВ.

ВИЛОЯТИМИЗДА ПИЛЛА ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

Бу йил вилоят хўжаликларида 24,1 минг қути қурт уруғи боқилмоқда. Яхши парвариш қилингани сабабли ипак қуртлари эрта дастага кирди. Пиллачилар ҳосилни чамалаб, режалаштирилган миқдорда — ҳар бир қути қурт уруғидан ўртача 52 килограммдан, жами 1110 тоннани қоплайдиган даражада ҳосил бор, демоқдалар. Куни кеча бир ойдан кўпроқ вақт давомида қилинган меҳнатнинг дастлабки натижаси тарози палласига тушди. Бўка, Оққўрғон, Янгийўл, Бекобод туманлари пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб пилла топширишни бошлаб юбордилар.

Оққўрғон туманидаги А.Икромов номли жамоа хўжалиги пилла топширишга киришди. Бу ерда 54 хонадон 100 қути қурт боқиб, 4,5 тонна ҳосил териб олишни режалаштирган.

Суратда: (чапдан ўнгга) пиллакорлардан Мунаввар Қодирова, Абдувахоб Аҳмедов ва Ойпошша Сулаймоновалар дасталардаги пилла ҳосилини кўздан кечиришяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

БИРИНЧИ КУНИЁҚ 9 ТОННА

Бўка тумани пиллахонаси эрта тонгданоқ гавжум бўлиб кетди. Сават ва яшчикларга жойланган ҳосилни машиналарга юклаб келаётган пиллачиларнинг юзларида қувонч. Жамоа хўжаликлари раисларидан пиллачилик бригадалари бошлиқларигача шу ердалар. Пиллачилар қўллари қўлларига тегмай, ҳосилни саралашяпти. — Ҳожиматов номли жамоа хўжалигиданмиз, — дейди Гулноза Хуснддинова. — Ойламиз билан икки қути қурт уруғи олгандик. Қилган меҳнатимиз зое кетмади. Ҳосилнинг чўғи ҳам чакки эмас. 150 килограмм пилла териб топширишга кўзим етиб турибди.

Яна бир пиллачи Абдураҳим Назаров ҳам икки қути қурт уруғи боққан экан. 108 килограмм сифатли пилла топширибди. Барчиной Қуролова олиб келган ҳосил эса 102 килограмм тош босибди.

— Ипак қурти даҳага киргач, унинг энг нозик даври бошланади, — дейди хўжалик пиллачилик бригадасининг бошлиғи Назира Раҳимова, — вақтида барг етказиб бериб турсанг, ўрайдиган пилласининг салмоғи ҳам ошаверади. Кўп жойларда пиллакорлар худди шундай кезларда барг тополмай шошиб қолишади. Шукурки, бир неча йилдан бери бизда бундай бўлмаяпти. Тут дарахтлари етарли. Яхши парвариш сабабли улар дуруст ривожланган. Хўжалигимизда ариқ ва зовурлар, дала атрофларидаги тутлардан ташқари яхлит плантация ҳам бор. Мана меҳнатнинг натижаси — ҳосилни барвақт териб, бош пиллахонага олиб келдик. 170 қути қурт уруғи асраганмиз. Бир ҳафта ичида теримни тугаллаб, 9 тонна пилла топширамиз.

Шу куни «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг дастлабки ҳосили ҳам тарози палласига тушди. Илғор пиллакор Маҳфуза Сафарова хўжаликда биринчи бўлиб 47,5 килограмм пилла топширди. Бу жамоа хўжалиги тайёрлаётган 9 тонналик ҳосилнинг дастлабки дебочаси эди. Шунингдек, Ойхўжа Йўлдошев номли жамоа хўжалиги пиллакорлари ҳам ўзлари асраган 108 қути қурт уруғидан етиштирилган ҳосилни бош пиллахонага олиб келдилар. Улар ҳам мавсум давомида 9 тонна пилла топширишни ўз зиммаларига олишган.

Шу куни туман бош пиллахонаси дарвозалари кечгача очиқ турди. Деярли барча хўжаликлардан ҳосил олиб келган пиллакорлар сифатли ҳосил топширдилар.

— Бу йил тумандаги хўжаликлар 2800 қути қурт уруғи боқишган, — дейди бош пиллахона раҳбари Матмуса Бўсинов. — Ҳосилни қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрдик. 120 тонна пиллани қабул қилиб олиш учун барча шароитлар яратилган. Пиллачиларга ҳосилни саралаш учун махсус жойлар ажратганмиз. Ошхона кун бўйи ишлаб турибди. Терилган пилла шу заҳотиёқ қабул қилиб олиняпти.

Бўка тумани пиллакорлари шу куни давлатга 9 тонна пилла ҳосили топширдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ТЕТРО-3»НИНГ ХОСИЯТИ

АГАР маҳсулотинг сифатли бўлса, харидор топилиши ҳам осон бўлади. Шунинг учун ҳам оққўрғонлик пиллакорлар ҳар йили уруғ танлаш ва жонлантиришга катта аҳамият берадилар.

— Ўтган йили, — дейди бош пиллахона директори Ботир Ғаниев, — Урганч пилла заводи билан алока боғлаб, у ердан ипак қуртининг «Тетро—3», «Андижон—1» навлари уруғларини олиб келиб боккан эдик. Сараланган ва кафолатли уруғдан мўл ва сифатли ҳосил олдик. Шунинг учун ҳам харидорлар тез топилди ва маҳсулотимиз ўз вақтида сотилди. Натижада ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ пиллакорларга 4,5 миллион сўм меҳнат ҳақини бериб, улар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлган эдик. Ўз меҳнатлари самарасидан мамнун бўлган пиллакорлар бу йил ҳам қурт боқишга зўр иштиёқ билан киришдилар. Мутахассислар, пиллакорлар билан маслаҳатлашиб, бу йил юз фоиз «Тетро-3» навли қурт уруғи боқишга қарор қилдик. Уруғликни вақтида жонлантиришга қўйдик ва жонланган уруғни бир куннинг ўзида, яъни 29 апрелдаёқ тарқатиб бўлдик. 1450 нафар пилла боқувчиларимиз бу йил ҳам сифатли пилла учун қуртхоналарни ўз вақтида тайёрлаб, таъмирлаб, керакли асбоб-ускуналарни шай қилиб қўйган эдилар. Қурт шундай нозик жониворки, агарда даҳага кирган пайтида ўз вақтида сифатли, янги кесиб олинган барглар-ни етказиб бериб турмасангиз панд еб қолишингиз ҳеч гап эмас. Буни ҳисобга олиб мавжуд тутзорлардаги барглардан ғоятда унумли ва тежамли фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқдик, барг кесиб олиш ва уни тарқатиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Оқибатда барг етарли бўлди, танқислик сезилмади. Тўйиб озиқланган қуртлар эрта дастага кирди, сифатли пилла ўради.

Пилла териш ва топширишни ҳам бошлаб юбордик.

Акмал Икромов номли жамоа хўжалигининг тажрибали пиллакори Бучалия Укибоева биринчи бўлиб ўз маҳсулотини олиб келди. Лабораторияда текшириб кўрган мутахассисларимиз унинг сифатига яхши баҳо бердилар. Шу куни у икки қути қурт уруғидан 130 килограмм пилла топширди.

«Маданият» жамоа хўжалигидан Шокир Мамадалиев, Турди Абдусатторов, «Гулистон» жамоа хўжалигидан Абдуғани Айталиев, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан Мавлуда Содикова, Абдувоид Очилов сингари пиллакорлар ҳам бирин-кетин «кумуш тола»ларни олиб келиб топширдилар. Шундай қилиб, пилла топшириш қизғин бораётир. Ҳозирги кунга қадар 7 тонна пилла қабул қилиб олинди.

Мавсумда 100 тонна пилла тайёрлашга аҳд қилган оққўрғонликлар ҳосил чўғини чамалаб, уни 120 тоннага етказамиз, деб айтмоқдалар. Бунинг учун эса 2200 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 55 килограммдан пилла олиш керак бўлади. Дастлабки натижалар, самаралар оққўрғонликлар, албатта, ўз сўзларининг устидан чиқажакларидан далолат бериб турипти.

Носир РИХСИЕВ.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ЎҚИМОҚДА

ВИЛОЯТ хотин-қизлар қўмитаси бундан бир неча ой илгари «Аёл ва бизнес» мавзуида анжуман ўтказиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга ёрдам бериш ва уларни ўқитишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Оҳангарон туманида иш бошлаган тадбиркор аёлларнинг дастлабки ўқув-семинарига Оҳангарон, Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод шаҳарлари ва туманларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар таклиф этилдилар. Шу муносабат билан туманда ўқув машғулотларининг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева очди ва ўқувни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг ушбу муҳим ўқувни моддий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ташкилот — бозор қўникмаларини ривожлантириш республика Марказининг бош директори, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Равил Собиржонов ҳозирги шароитда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ вазифалар ва муаммолар, уларнинг очимлари хусусида тингловчиларга тушунча берди.

— Бизнинг марказимиз томонидан уюштирилган ўқув курсларида шу кунгача 200 га яқин киши бозор иқтисодиёти асослари бўйича билим олдилар, — деди у жумладан. — Бир қатор вилоятларда ғарб давлатларининг мутахассислари иштирокида бозор иқтисодиётининг долзарб масалалари юзасидан ўнга яқин семинарлар ташкил этилди. Марказ ўқув курсларида иштирок этган тадбиркорлардан 54 киши Италия ва Англия давлатларида ташкил этилган уч ҳафталик ўқув курсларида ўқиб қайтдилар. Шу йилнинг охирларида ушбу давлатларга яна бир қанча тадбиркор ва ўқитувчиларни юбориш режасини тузганмиз. Бугун, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган тадбиркор аёлларнинг ўқув-семинари эса ана шу муҳим ишнинг узвий давомидир. Бу ҳаракат, албатта, самара беришига шак-шубҳа йўқ.

Тингловчилар ҳузурида вилоят тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Лазиза Акбарова, Оҳангарон тумани ҳокими Улуғбек Иброҳимов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар. Бошловчи тадбиркорлар ўн кун давом этадиган ушбу ўқув жараёнида «Маркетинг ва унинг вазифалари», «Чет инвесторлар билан қандай қилиб иш олиб бориш», «Товарлар нархини мослаштириш», «Менежмент», «Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши бўйича республикада қабул қилинган асосий қонунлар ва йўл-йўриқлар», «Фонд биржалари» сингари кўплаб муҳим мавзуларда билимга эга бўладилар. Машғулотларни таниқли олимлар, профессор, ўқитувчилар олиб боришади.

Шу куни ўқув-семинарнинг биринчи машғулоти ўз ишини бошлади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди Т. Зокирова белгиланган дастур бўйича қизиқарли дарс ўтди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ЁШЛАР ЯЙРАГАНДА...

БУТУН жаҳонда алоҳида эътибор бериб нишонланадиган бу байрам дунё мамлакатларида болалар саломатлигини сақлаш, уларга қувноқ руҳият бағишлаш билан боғлиқдир. Бугун республикамиздаги каби бизнинг вилоятимизда ҳам болаларни ардоқлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, «Соғлом авлод учун» орденининг Президентимиз томонидан таъсис этилиши, «Соғлом авлод жамғармаси»нинг ташкил қилиниши, умуман, оналар ва болалар муҳофазасига эътибор кучайтирилиши сўзимизнинг ёрқин далилидир. Сўнгги йиллар ичида бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитларига қарамай, қатор туманлар ва шаҳарларда болалар шифохоналари, соғломлаштириш маскани, боғчалар фойдаланишга топширилмоқда. Бу жойларда энг малакали шифокорлар, тарбиячилар фарзандларимизга парвона бўлмоқдалар.

Вилоятимизда ҳар йили халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан байрам пухта ҳозирлик кўрилган ҳолда, сермазмун дастур асосида ўтмоқда. Кеча худди шундай тантаналар вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларида бўлиб ўтди. Болалар чеҳраларидаги қувноқлик, мамнунлик туйғуларини кўрган кишилар жойларда кичкинтойларга ниҳоятда катта ғамхўрлик кўрсатилаётганидан беҳад хурсанд бўлдилар. Бадиий жамоалар сўлим оромгоҳларда болалар учун концертлар намойиш қилдилар. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари эса сифатли маҳсулотлари, энг ширин таомларини уларга атадилар. Истироҳат боғларида аттракционлар ва бошқа ўйинлар болалар учун бепул ташкил этилди.

Қуйичирчиқ туманидаги 35 боланинг суннат тўйи туман аҳлининг ҳам тўйига айланиб кетди десак, муболаға бўлмас. Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка туманларида ҳокимликлар, жамоатчилик вакиллари болалар учун мароқли сайиллар ташкил этдилар. Улар ўз худудларидаги болалар уйларига ташриф буюриб, етимларга совға-саломлар топширдилар.

Бундай тадбирлар Паркент, Тошкент, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ва бошқа жойларда ҳам юксак уюшқоқликда ўтди.

Бугун эса халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган вилоят бўйича катта байрам Қибрай туманининг энг сўлим гўшасида ўтмоқда. Унинг ташаббускори вилоят хотин-қизлар қўмитаси бўлди.

Азиз болажонлар, фарзандларимиз атрофида парвона бўлган меҳрибон оналар, мураббийлар, етимесирлар бошини силаб, кўнглига нур ва шодлик бағишлаган саҳоватли қалб соҳиблари ажойиб тантана файзи, шукуҳидан бахраманд бўлинг. Байрам ҳар бирингизнинг дилингизга олам-олам қувонч бахш этсин.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Келажаги бахтли болалар.

Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

Бизга ёзадилар

Таҳририятимизга сўнгги ўн кунликда 50 тадан зиёд хат келди. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларидан ўрин олди. Мактубларнинг мавзуи ҳам, муаллифларнинг касб-кори ҳам турличадир. Шуниси диққатга сазоворки, ҳаётимизда кечаётган иқтисодий, маданий ўзгаришлар хусусида хат муаллифларининг фикр юритишларида муштараклик бор.

Қўйида ана шу хатлардан намуналар ўқийсиз.

БЕМОРГА МЕҲР КЕРАК

Инсон касалликка чалинмасин экан. Агар хасталандими, илиқ сўзга, далдага, меҳрга ва эътиборга муҳтож бўлиб қолар экан.

Мен даволаниб чиққан вилоят марказий шифохонаси ходимларининг хушмуомалалигидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Дардимни унутдим.

Ички касалликлар бўлими ҳамширалари Г. Исмоилова, Ж. Жумабоева, Р. Ерқибоева, Б. Қобилбековларга газета орқали миннатдорчилигимизни етказишингизни сўраймиз.

Бемор аёллар номидан АСИЛОВА.

* * *

РЎЗИМАМАТ ОТАНИНГ БОЗОРИ

Мен Ўртачирчиқ тумани Қорасув қўрғони «Тинчлик» маҳалласида яшайман. Маҳалламиздаги катта-ю-кичик Рўзимамат отани хурмат қилади. Ота узоқ йиллар жамоа хўжалигида сувчилик қилдилар. Умр йўлдоши Тошхон ая билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Умр мазмунини одамларга яхшилик қилишда деб билган отахон фарзандлари билан биргаликда қўрғон қўркига кўрк қўшиб турган бозорни қуриб, ишга тушиردилар. «Яхшидан боғ қолади» деб шунга айтсалар керак-да.

Шоҳида АБДУЛЛАЕВА.

* * *

«КИМ КЎП МАҚОЛ БИЛАДИ?»

ВИЛОЯТ миқёсида бўлиб ўтган кутубхоначиларнинг кўрик танлови зиёкорларнинг умумий билим доираси, маҳорати ва ўз касбига бўлган қизиқишининг ортишига кўмак берди.

Чиноз тумани Эски Тошкент қишлоғи кутубхонасида беш дугона — Турсуной Расулова, Сайёра Шайматова, Раъно Норбоева, Феруза Бобобекова, Зулфия Жумабоевалар ўзаро куч синашдилар.

«Китоблар ҳақида ким кўп мақол билади» танлов шартлари саволларига яхши жавоб берган Турсуной Расулова ҳайўат аъзоларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

С. АҲМЕДОВА.

* * *

ҚИШЛОҚДА БАНК БЎЛИМИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги «Политотдел» ҳиссадорлик жамиятининг Кавардон қишлоғидаги 19, 20, 21, 22-бригадаларида 50 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Қишлоқ идораси ёнидаги 10 сотиҳлик майдон ўзлаштирилди. Теракзор барпо этилиб, унинг атрофига эса ёнғоқ кўчатлари ўтказилган эди. Ғайрат Иброҳимов бошчилигидаги бўлим жамоасининг саъй-ҳаракати билан яна бир ҳайрли ишга қўл урилди. Қишлоқда туман жамғарма банкининг бўлими очилди. Бу қулайликдан қишлоқ аҳли мамнун бўлди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ЭРТА-ИНДИН ДАМ ОЛИШГА КУЗАТАМИЗ

ЭРТА-ИНДИН катта-кичик шаҳар ва қишлоқлардан кичкинтойлар тушган автобуслар саф-саф бўлиб, ёзги оромгоҳлар томон йўл олади. Минг-минглаб ўғил-қизларимиз таътил кунларини хушҳаво, хушманзара жойларда ўтказишга отланишади. Оромгоҳлар уларни кутиб олишга тайёрми? Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар болалар ёзининг кўнгилли ўтишига салбий таъсир кўрсатмайдими? Ёзги оромгоҳларда ўтказилган кунлар мазмунли кечадими?

Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгашининг мажлисида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга шайлиги таҳлил қилиниб, юқоридаги каби саволларга, мураккаб бугунги кунимиз болаларнинг ёзги таътилини ташкил этувчи идоралар ва ташкилотлар олдига қўйётган муаммоларга биргаликда жавоб изланди.

Мажлисда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси М. Тўлаганованинг «Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг меҳнаткашлар ва улар болаларини дам олдириш ҳамда соғломлаштиришни ташкил этиш борасидаги иши тўғрисида»ги маърузаси муҳокама қилинди.

Маърузачи ва нотиқлар — Тошкент темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг директори, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг депутати В. Ҳалилов, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Паркент туман қўмитасининг раиси Т. Холтоев, Титов номли болалар соғломлаштириш оромгоҳининг бошлиғи Л. Морозова ва бошқалар ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари хусусида батафсил фикр юритишди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу боис касаба уюшмаларининг дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлиги, уларнинг таъминоти билан боғлиқ масалалар алоҳида талабчанлик билан муҳокама қилинди. Сўнгги бир йил мобайнида вилоят меҳнаткашларидан 4 мингга яқин киши дам олиш уйлари ва пансионатларда хордиқ чиқарди. Корхона ва ташкилотларнинг санаторий-профилакторийларида 13 мингдан ортиқ меҳнатчи ва уларнинг оила аъзолари саломатликларини тиклаб олишди. Касаба уюшмалари ташкилотлари ва хўжалик идоралари оромгоҳларни сақлаб туриш, созлаш-тиклаш, ускуналаш ишларига анчагина маблағ сарфламоқдалар.

Аҳолининг кам таъминланган тоифалари, нафақадорлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчиларни соғломлаштириш диққат марказида турибди. Қоида тариқасида улар бепул йўлланмалар билан таъминланишяпти. Мажлисда бир қатор тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарининг ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тажрибаси алоҳида таъкидланди.

Лекин, касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг бу муҳим йўналишдаги камчиликлари, уларнинг талабларини таҳлил қилиш мажлис аҳлининг диққат эътиборида бўлди. Вилоят соғлиқни сақлаш, маҳаллий саноат ва коммуналмаиший хизмат, савдо ходимлари касаба уюшмаларининг қўмиталари бу ишда эътиборсизлик, ўзибўларчиликка йўл қўяётганликлари кўрсатиб ўтилди. Ташаббуссиз, ишга ижодий ёндошмаётган касаба уюшмалари фаоллари танқид қилинди.

Айниқса, санаторий-профилакторийлар ишини яхшилаш соғломлаштиришни самарали ташкил этишнинг энг муҳим омилидир. Бу сиҳатгоҳлар бевосита корхоналар қарамоғида бўлиб, меҳнатчилар уларда асосий иш жойларидан ажралмаган ҳолда саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Шуни айтиш керакки, ҳозирги қийин иқтисодий шароитларда ҳам бу сиҳатгоҳлар янги ташҳис-даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда, уларда ўринлар сони кенгайиб бормоқда. Кейинги пайтда Ангрендаги «Картонсавдо» ҳиссадорлик жамиятида 50 ўринли янги санаторий-профилакторий очилди. Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлик ҳиссадорлик жамиятида шундай сиҳатгоҳни очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу сиҳатгоҳларнинг кўпчилигида физиотерапия, больнеологик ва шифобахш ўтлар билан даволаш йўлга қўйилган.

Чирчиқдаги «Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятида меҳнаткашларни соғломлаштириш тадбирларига бир йилда 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Тошкент ГРЭСида сиҳатгоҳни янги ускуналар билан жиҳозлашга бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Лекин, нотиқлар бунинг акси бўлган ҳолларни ҳам тилга олишди. Оҳангарон цемент ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ва касаба уюшмаси қўмитаси аъло даражада жиҳозланган ўз сиҳатгоҳидан оқилона фойдаланмай қўйдилар. Корхонада соғломлаштириш режаси кўп йиллар мобайнида 47—48 фоиз даражада бажарилмоқда, холос. Кейинги йилларда ўринлар сони икки баробар камайиб кетди. «Кулол» ҳиссадорлик жамияти сиҳатгоҳи эса умуман ёпилиб қолган. Бекобод цемент ҳиссадорлик жамияти, Ангрен ГРЭСи касаба уюшмалари қўмиталари ҳам даволаш муассасаларини созлаб, янги ускуналар билан жиҳозлашга эътибор беришмаётир.

Мажлисда болаларнинг ёзги таътили мазмунли ўтишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилиб, касаба уюшмалари қўмиталарининг бу борадаги вазифалари белгилаб олинди. Бу йилги мавсумда ёзги соғломлаштириш оромгоҳига бориш учун болаларга бериладиган йўлланмалар қийматида ота-оналар бадали 10 фоизни ташкил этади. Етим-есирлар, болалар уйларининг тарбияланувчилари, кам даромадли ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига жами йўлланмаларнинг ярми бепул тарқатилади. Орол бўйидан келган болалар хушҳаволи минтақалардаги оромгоҳларимизда дам оладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбоевлар нутқ сўзлашди.

Мажлисда ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсумида касаба уюшмаларининг вазифалари аниқ кўрсатилган қарор қабул қилинди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ДАККИ, ДАККИ... ОХИРИ ЧАККИ»

Шу йил газетамизнинг 16 март сонида «Касса аппаратлари — назорат учун керак» рейд мақоласи босилиб, унда матлубот ҳиссадорлик жамиятларига қарашли савдо корхоналари ва уларнинг шохобчаларида ҳисоблаш-назорат касса аппаратларини ўрнатишда йўл қўйилган камчиликлар, хатоликлар танқид қилинган эди.

Шундан сўнг газетада чоп этилган мақола изидан бориб, қайта текширув ўтказилганда аввалги хатолардан тўғри хулоса чиқармаган савдо шахобчалари, уларнинг масъул ходимларининг ҳатти - ҳаракатлари ҳақида «Дакки, дакки... охири чакки» (1996 йил 1 май) сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Ушбу танқидий мақола юзасидан Пискент тумани матлубот ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси **А. Пўлатов** имзоси билан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Мақола жамоамизда ўрганиб чиқилди. Келтирилган далиллар тасдиқланди. Текширув натижаларига кўра Пискент тумани ҳиссадорлик жамиятига қарашли 35-дўкон мудири Р. Акбаров жаримага тортилган эди. Лекин, у дастлабки огоҳлантиришдан тўғри хулоса чиқармаган.

Қайта текширув натижалари ва «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган танқидий мақоладаги фикрларни инобатга олиб, жамиятимиз бошқаруви 35 - дўкон мудири Р. Акбаровни касса аппаратларини лозим даражада ишлатмаганлиги учун уч ой муддатга дўкон мудирлигидан оддий ишчиликка ўтказди.

Барча дўконларда касса аппаратлари ишини назорат қилиш раис муовини Р. Қобилов ва йўриқчи Т. Дўсматовлар зиммасига юклатилди».

ФАХРИЙЛАР ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

Шу кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги маҳалла, жамоа хўжаликлари, корхона ва муассасаларда фахрийларнинг бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Фаоллик билан ўтаётган бу йиғилишларда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, ҳал этилмаётган баъзи муаммолар, ёшлар ўртасида оммавий-тарбиявий ишларни олиб бориш тажрибалари тўғрисида ўзаро фикр алмашинмоқда.

Кейинги йилларда маҳалла ва жамоа хўжаликларидаги фахрийлар бошланғич ташкилотларининг фаолияти маҳалла қўмиталари ва хўжалик раҳбарларининг жонбозлиги билан анча яхшиланди. Хусусий дўконлар, маиший хизмат шохобчалари, фахрийлар учун дам олиш масканлари кўпайди, янги иш жойлари барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммасида фахрийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари, Паркент, Зангиота, Бўка тумани фахрийлари фаол иштирок этмоқдалар.

Бошланғич ташкилотлардаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари уюшқоқлик билан ўтмоқда. Хусусан, Паркент туманидаги 22 та бошланғич ташкилот, Юқоричирчиқ туманидаги 16 та ташкилот, Чиноз туманидаги 17 та ташкилотда бу йиғилишлар юқори савияда ўтди. Ўртачирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» қўрғони, Оҳангарон шаҳридаги Қўрғон маҳалласида ўтган йиғилишларда фахрийлар бир қатор камчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айни кунларда вилоят фахрийлар кенгашида Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раёсатининг 1996 йил 16 апрелдаги қарори асосида тадбир ишлаб чиқилиб, шу йил июль-август ойларида шаҳар ва туманларда ҳисобот-сайлов конференцияларини, сентябрь ойида эса вилоят фахрийларининг навбатдаги анжуманини ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Валий МУҲАМЕДОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

• Россия президенти — Чеченистонга, Чеченистон жангарилари раҳбари Зелимхон Яндарбиев — Москвага сафар қилдилар. Мақсад — Чеченистонда қуролли тўқнашувларни тўхтатишга эришиш эди.

• Ҳиндистонда парламент сайловларидан кейинги аҳвол қандай? Бош вазир тайинлаш йўлидаги қийинчиликлар давом этадими?

• АҚШда бу йил кузда бўладиган президентлик сайловларида беллашадиган номзодлар ўртасидаги олишув ҳам қизиб бормоқда.

УРУШ ТУГАДИ, ЛЕКИН, ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛАДИМИ?

ЧАМАСИ икки йил давомида Россия Федерацияси қуролли кучлари ҳамда Чеченистон Республикаси жангарилари ўртасида рўй бераётган қуролли тўқнашувлар ер курраси-даги «оловли нуқталар»дан бирига айланди. Минглаб аскарлар, оддий фуқаролар ҳалок бўлди. Қанчадан-қанча шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Миллиард-миллиард маблағлар кўкка совурилди.

Ўтган йил кузидан бошлаб, Чеченистондаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш борасида кўпгина уринишлар бўлди. Бунга халқаро жамиятлар, айрим давлат арбоблари бош қўшдилар. Лекин, бир неча бор музокаралар олиб борилишига қарамасдан, тўқнашувлар давом этаверди. Россия бирлашган қўшинлари қўмондонига, бошқа расмий вакилларга нисбатан қилинган суиқасдлар ҳам бирон-бир натижага олиб келмади.

Шу йил 31 март куни Россия президенти Б. Н. Ельцин ошкора «Мен Чеченистондаги урушни тўхтатаман» деб баёнот берди. Аммо, орадан икки ой ўтишига қарамай, жанговар ҳаракатлар давом этаверди.

Ниҳоят бир неча кун муқаддам Россия томони билан Чеченистон жангарилари раҳбарияти ўртасида музокаралар олиб борилиши тўғрисида гап чиқиб қолди. Б. Н. Ельциннинг Чеченистонга сафари гумон остига олинди. Чеченистонда тинчлик ўрнатиш бўйича тузилган ишчи комиссия ўз фаолиятини давом эттириши жараёнида бирон-бир эътиборга лойиқ хулосалар юзага чиқмади.

Ниҳоят, ўтган сешанба куни жаҳон оммавий ахборот воситалари З. Яндарбиев бошлиқ Чеченистон делегациясининг Москвага сафар қилганлиги тўғрисидаги хабарларни тарқатди. Сафар шундай бўлган эди: душанба куни соат 13.55 дақиқада З. Яндарбиев ўз ҳамроҳлари билан Ингушистон билан Чеченистон чегарасида жойлашган Слепцовская қўрғонига етиб келдилар. Россия пойтахти томон учиш ва Москвада юриш қуролли қўрқичларнинг қатъий назорати остида ўтказилди. Б. Ельциннинг З. Яндарбиев билан учрашувида қон тўкишларни тўхтатиш, асирларни озод этиш, ноқонуний гуруҳларни қуролсизлантириш ва шу тарика бўлажак катта миқёсдаги музокараларга йўл очиш масалалари муҳокама этилди.

Чеченистонлик вакиллар ҳукумат ишчи гуруҳи аъзолари билан музокараларни давом эттираётган бир пайтда кутилмаганда бошқа бир хабар тарқатилди. Россия президенти сешанба куни бирданига Чеченистонда пайдо бўлиб қолди. У эрталаб 11.50 да Маздок шаҳрида самолётдан тушди. Мудофаа вазири П. Грачёв, ички ишлар вазири А. Куликов ва Шимолий Кавказ ҳарбий округи қўмондони А. Квашнинлар ҳамроҳлигида Б. Н. Ельцин Грознийдан 20 километр узоқликда бўлган Правобережний қишлоғига келди. У бир неча ерда Россиялик ҳарбийлар билан учрашиб, Чеченистонда тинчлик ўрнатилганлигини баралла айтди.

Икки ўртада олиб борилган музокаралар натижаси ўлароқ, тузилажак шартноманинг 1 июнда эълон қилинажаклиги айтилди. Эндиликда жаҳон оммавий ахборот воситалари ўртага асосан битта саволни қўймоқдалар: уруш тугади, лекин, Чеченистонда тинчлик ўрнатиладими? Бу саволга янаги ой бошларида жавоб топилиб қолса, ажабмас...

Эълон қилинажак Чеченистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги тасарруфот соҳалари ва ваколатлар тўғрисидаги шартнома лойиҳасининг 1-моддасида Чеченистонга РФ таркибида «суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат» сифатида алоҳида мақом берилади, дейилади. Чеченистон томони бундай таърифга ҳали кўнганича йўқ. Делегация аъзолари Москвада Чеченистон мақоми хусусидаги масалага биз кейинроқ жавоб берамиз, деб айтдилар. Шундай қилиб, дастлабки музокаралардан кейин ҳам кутилмаган кўпгина воқеалар содир бўладиганга ўхшаб турипти.

БОШ ВАЗИР ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛМАСА...

МАЙ ойининг иккинчи ҳафтасида Ҳиндистонда парламент сайлови бўлиб ўтганлиги, унда диний-миллий Бхаратия Жаната партиясининг ғалаба қилганлиги хусусида хабар берган эдик. Парламентдаги икки кунлик баҳслардан сўнг сайловдан кейин тузилган вазирлар маҳкамаси парламентда ишонч қозонмаслиги аниқ бўлиб қолди. Атиги ўн уч кун фаолият кўрсатган бош вазир Атал Бехари Важпаи таваккал қилмасдан истеъфога чиқиш тўғрисидаги ўз илтимосини президентга топширди.

Оқибатда давлат бошлиғи сўл-марказ иттифоқи — Бирлашган фронт раҳбари Х. Д. Дева Говдага янги ҳукумат тузиш тўғрисида топшириқ берди. Унинг номзодини сайловларда катта зарбага учраган Ҳиндистон Миллий Конгресси (И) партияси ҳам қўллаб-қувватлади. Навбадаги ҳукуматнинг тақдири нима бўларкин?

Гап шундаки, 63 ёшли Д. Говда Ҳиндистон сиёсатида деярли номи чиқмаган арбобдир. У вазирлар маҳкамасининг 13 вазирдан иборат янги қўшма таркибини тузиши лозим. Янги бош вазир турли хил партия вакиллари манфаатларини мувофиқлаштиришнинг уддасидан чиқармикин? Ҳозирча у ўзининг ҳатти-ҳаракатлари борасида ломмим демаётир.

Матбуот ходимлари билан бўлган мулоқотда ғалати бир нарса маълум бўлди. Янги тайинланган, ихтисоси бўйича қурувчи-муҳандис бош вазир давлат тили — ҳинд тилини мутлақо билмас экан. У уч ой давомида ҳинд тилида гапириш, ёзиш-чизиш ва ўқишни ўрганиб оламан, деб ваъда берди. Бунинг сабаби шундаки, Д. Говда Карнатака вилоятида туғилган бўлиб, бу ерда аҳоли асосан маҳаллий лаҳжалар — каннада ва тамил тилларида сўзлашадилар.

БИР ГАП ЧИҚИБ ҚОЛСА, АЖАБМАС...

ТУРЛИ ерларда бўладиган турли сайловларга хос бир нарса бор. У ҳам бўлса, овоз берувчиларнинг кўпчилигини ўзига оғдириш мақсадида номзодлар курашда ноҳалол йўлларни ҳам танлайдилар. Шу йил кузида АҚШ президентлигига бўладиган сайловлар олдидан бўлаётган муҳит ҳам бундан мустасно эмас.

АҚШнинг ҳозирги президенти Билл Клинтон ўрнини «тортиб олмоқчи» бўлаётган республикачилар партияси номзоди Роберт Доул тарафдорлари баайни юқорида айтилган «усуллар»га кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Бундан бир неча вақт муқаддам Б. Клинтон ва унинг рафиқаси Хиллари хоним ер билан савдо қилишликда айбланган эдилар. Эндиликда ўз сафида 750 минг нафар қора ишчиларни бирлаштирган касаба уюшмасининг президенти Артур Гойя билан президент оиласи ўртасидаги алоқалар гумон остига олинмоқда. Гап шундаки, А. Гойя демократик партияни қўллаб-қувватлаб, яқинда сайловолди йиғилишига бағишланган бир тадбирдан сўнг 12 миллион доллар миқдоридаги маблағни демократик партия хазинасига ўтказган эди. Республикачилар бу воқеани рўкач қилиб, қора ишчилар касаба уюшмаси АҚШ мафиячиларига бўйсунади, унга К. Персино, М. Копполи, Э. Салерно каби «отахон» мафиячилар ҳомийлик қилмоқдалар, деган фикрларни билдириб, АҚШ конгрессига меморандум йўллашга жазм қилдилар. Республикачиларнинг навбатдаги хуружи ҳам чипакка чиқиши мумкин, деб ёзишмоқда мамлакатда чиқадиган кўпгина нашрлар.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● ФАЛАСТИН мухториятининг расмий вакилларидан бирининг гапига қараганда, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия қўмитаси аъзоси Маҳмуд Аббос Ёсир Арофатнинг расмий вориси деб эълон қилинди. М. Аббос ФОТ Ижроия қўмитаси кенгашида мазкур қўмитанинг янги Бош котиби этиб сайланган.

● БИР НЕЧА вақт илгари Колумбия президенти Эрнеста Сампера ҳукуматига кирувчи уч вазир коррупцияда айбланган эди. Улар орасида ички ишлар вазири Хорасио Серпу ҳам бор эди. Терговчиларнинг айтишича, вазирларга қўйилган айблар ўз исботини топмаётир.

● ПАРИЖ кўрки — Эйфел минораси ходимлари ўз машиналарининг минора олдига қўйилишига рухсат берилмаганлигига жавобан иш ташладилар.

● ЭИРда Эрон қуролли кучларининг икки кунлик ҳарбий машқлари бўлиб ўтди. Мутахассислар уни сўнгги йилларда Яқин Шарқда ўтказилган энг йирик машқлар деб баҳоладилар.

● ХИТОЙНИНГ Тибетдаги Басудан-Ула тоғидаги музликлар орасида бир мурда топилди. Унинг ёши 5000 йил деб тахмин қилинмоқда. Иллинойс штати дорилфунуни олимлари эса бу жасад ўзга сайёраликка тегишлидир, деб айтдилар. Чунки, унинг баданидаги барча аъзолар сунъий толалардан ясалган экан.

● БИРМА ҳарбий маъмурлари демократик фаоллардан 90 кишини хибсга олиб, «уй қамоғи»да сақламоқдалар.

(ЖАҲОН АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МАЙДОНДА САНИТАРИЯ ДРУЖИНАЛАРИ

Санитария дружиналари барпо этилган пайтдан бошлаб катта мавқега эга бўлган. Инсон ҳаёти ҳавф остида қолганда зилзилалар, ёнғинлар, кўчкилар, сув тошқинлари, турли хил эпидемияларнинг тарқалиши ҳавфи вақтида ҳаракатчан санитария дружиналари отрядлари ёрдамга келганлар. Шу боис Ўзбекистонда санитария дружиналарини тиклашгагина эмас, айни вақтда улар сафини янада кенгайтиришга катта эътибор беришга қарор қилинди. Шу мақсадда бундай дружиналарнинг вилоят мусобақаси уюштирилди. Беллашувлар Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси фуқаро мухофазасининг ўқув ҳудудида бўлиб ўтди. Уни ўтказиш ҳақида вилоят хокими тегишли қарор қабул қилган эди. Мусобақа давомида санитария дружиналарининг назарий билимлари, амалий кўникмалари аҳолига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича улар олиб борган ишлар якуни, дружиналарнинг қандай жиҳозларга эга эканлиги уларнинг мураккаб шароитларда ишлаб чиқариш ҳалокатларида ва бошқа ҳолатларда фаолият кўрсатиши имтиҳондан ўтказилди. Вилоятимиздаги шаҳар ва туманлардан келган 15 та жамоа тайёрланган жойга тўпланди. Асосан қизлардан таркиб топган жамоалар беш босқичда беллашдилар. Биринчи босқичда уларнинг қандай воситалар билан таъминланганлиги текширилди. Иккинчи босқичда зилзила вақтида дружина аъзоларининг турли хил жароҳат олган кишиларга биринчи ёрдам кўрсатишлари, учинчи босқичда эса «кучли таъсир қилинадиган зарарли моддалар тарқалган минтақага кириш, жароҳатланган кишиларга ёрдам кўрсатиш ва уларни бундай минтақалардан» олиб чиқишни уддалашлари синовдан ўтказилди. Навбатдаги босқичда-бактериология ўчоғи шароитларида сув, озиқ-овқат, ўсимликларни бактериологик текширувдан ўтказиш, дезинфекция эритмалари тайёрлаш, дезинфекция камераларидан фойдаланиш билан боғлиқ саволларга жавоб беришди. Бешинчи босқичда эса дружина аъзолари ярадорларга қараш, уколлар қилиш, яраларни боғлашни қандай билажакларини намойиш этдилар.

Санитария дружиналари барча босқичдаги синовлардан ўтгандан кейин ҳакамлар таркиби олинган баллар ва жарима очколарини ҳисоблаб чиқиб, ўз қарорларини эълон қилдилар. Барча босқичлар бўйича биринчи ўрин Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг санитария дружинаси жамоасига насиб этди. Иккинчи ўрин «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» хиссадорлик жамияти вакилларига берилди. Учинчи ўринни эса Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» командаси эгаллади.

Туман жамоалари ўртасида ўринлар қуйидагича тақсимланди. Қибрай тумани санитария дружиначилари биринчи ўринни, Янгийўл тумани вакиллари иккинчи, Паркент дружиначилари учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлар, кубоклар топширилди.

О.МАКСИМОВА.

Суратда: Мусобақадан лавҳа.

В.ҒРАНКИН олган сурат.

Душанба, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 20 -серия.
9.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ҳайкалтарош».
9.30 «Оби-ҳаёт». Жиззах қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм — ўзликни билмакдир».
10.35 «Жаҳон киноси юлдузлари». Ричард Гир.
11.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.35 «Аньана ва замон». «Остонаси тиллодан...»
12.05 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида». Бадиий фильм.
13.30 «Темиртан даҳолар». Ўзбекистонда компьютерлаштириш.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тафаккур». Тележурнал.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Эл тинчлиги йўлида». Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари иш фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Етти иқлим ҳукмдори». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.50 «Қалбимда сен, назокат». «Нола» гуруҳи.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Ш. Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан...». Видеофильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
00.15 — 00.25 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, ҳолос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Дарахтлар қўшиғи». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40

*

20.40 «Бельдерсой», «Есенсой чўлларида». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қўғирчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Жаҳон янгиликлари». Халқаро шарҳ.
20.25 «Жонли тил».
21.25 «Сеҳр».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кинематограф».
22.40 «Спорт-тайм».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади...». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

*

12.00 Халқ чолғу асбоблари ва баянчилар VII Республика кўрик-танловининг якуний концерти.
12.30 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Замон билан ҳамнафас». Истаган имкон топар.
18.20 «Хазина». Тележурнал.
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур ёлқинлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Давра суҳбати». Қишлоқ жойларида умумтаълим мактабларини ривожлантириш масалалари.
21.30 «Олтин мерос». «Баёт».
22.15 «Даллол». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ёшлар билан юзма-юз». Таҳлилий кўрсатув.
00.30 — 00.40 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка». Телесериал.
19.05 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.40

*

20.40 «Бу ажиб дунё».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шифокор билан мулоқот».
19.30 «Бумеранг».
19.55 Эълонлар»
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Етакчилар».
21.05 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.20 Америка бизнесининг тарихи. 6-кўрсатув. «Генри Форд ва оммавий истеъмол жамияти».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.25 «Дунё эшиги».
23.10 «Сизга таъзим!» Бектемир туманидан кўрсатув.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

Чоршанба, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Олтин мерос». «Баёт».
9.10 «Ёшлар билан юзма-юз». Таҳлилий кўрсатув.
9.45 «Ўзбектелефильм», кўрсатади: «Ўйинчоқ».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Имконият изоҳ...

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
12.00 «Ассалом, ялпон тили!».

*

12.40 «Замин нидоси». Публицистик кўрсатув.
13.00 Болалар учун фильм. «Самсон ва Салли».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Оламни асранг!». Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қунига бағишланади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!», Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.35 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
22.15 «Саҳна ҳаёти». Театр ва томошабин.
23.00 «Галатепалик «Авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
00.15 — 00.25 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пойга». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.40

*

20.40 «Келинбарон». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Саломатлик, покизалик, мардлик...».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.55 «Сиз учун қўйлайман...». Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг юбилей кечаси.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

пайшанба, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Академик Ҳабибулло Абдуллаев».
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.15 «Нафосат оламида». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Булоқлар кўз очганда». Тележурнал.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.

*

11.30 «Қизиқарли учрашувлар». Рауф Толиб — 50 ёшда.
12.00 Тошкент маданият техникуми ўқитувчи ва талабалари концерти.
12.35 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дикқат, премьера: «Улкан одим». Ҳужжатли фильм.
18.20 «Дардларга малҳам маскан».
18.50 «Тилга эътибор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулокот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Табаррук қадамжолар». Соҳибқирон излари...
21.20 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
22.00 «Кўзларим йўлингда». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Дўстлик».
00.40 — 00.50 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.20 — 00.05 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Отларни ким эгарлайди?». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.40

*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 Эълонлар.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Саломатлик, покизалик, мардлик...».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
21.55 «Сиз учун қўйлайман...». Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг юбилей кечаси.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Дўстлик».
9.10 «Юзма-юз». Мулокот.
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Юрт ҳақида қўйлайман».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
10.35 Немис тили.
11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.15 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий дастур.
12.45 «Шайтонвача». Фильм-эртак.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» — «Нефтчи» (ёзиб олинган).
18.30 Янгиликлар.
18.40 «Шеърият». Қавсар Турдиева.
18.50 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт ва қонун». Эркин иқтисодий минтақалар тўғрисидаги Қонун шарҳи.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Давра суҳбати». Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, уй-жой қурилишини ривожлантириш масалалари.
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий дастур.
22.00 Ш. Нигматова. «Ишингиз бароридан келсин!». Муаллифлик кўрсатуви.
22.40 «Кино усталари». Ўзбекистон халқ артисти Марям Ёқубова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тошкентга марҳамат».
00.10 — 00.20 Тунги концерт.

II

18.00 «Эртак».
18.25 Эълонлар.
18.30 Янгиликлар.
18.40 «Жума тақвими».
18.45 «Юлдузлар».
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага — шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қоғоз орасида». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.40

*

20.40 «Хотирамиздаги шаршара», «Спортнинг ажиб тури». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.20 «Шохсупа сари».
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Чўқун».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Мусиқий меҳмонхона».
21.10 «Бизнес-академия».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Британия кундалиги». Қиролнинг туғилган куни.
22.00 «Араб эстрадаси». Шерихон Хуршид.
22.30 «Бу бўстон аро...».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранчум». Мусиқий дастур.
9.05 «Эъзоз». Телеочерк.
9.35 «Санъат ғунчалари». Концерт.
10.05 Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг ижодий кечаси.
11.00 «Фотима». Бадиий фильм.
12.35 «Ораули олам бу...». Телеочерк.
13.05 — 14.55 «Маънавият». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз»
18.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов қўйлайди.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Экология ва саломатлик». Марказий Осиё телевидениеларираро мулоқот.
22.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.30 «Жаҳон ҳафта ичида».
22.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
11.55 «Кинонигоҳ».
13.35 — 14.35 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

***

18.00 «Совға».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Қўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.25 — 23.25
Россия давлат телевидениеси
23.25 — 23.55

*

23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.20 «Гилон», «Ўзбекистоннинг сержилю тошлари». Телефильмлар.

IV

10.00 Болалар учун фильм. «Ўрмонлар оша, тоғлар оша».
11.10 Эълонлар.
11.15 «Беэнен мирас» (татар тилида).
11.55 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.35 — 13.05 «Мюзик-холл».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз».
19.20 «Салом, Франция!».
19.40 «Рақслар қанотида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
21.25 Эълонлар.
21.30 Кинонинг олтин асри. «Бу тўлба, тўлба дунё». Бадиий фильм.
23.00 «Олам ва одам».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Шохрух

ҲАЛОСКОРЛАРГА МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистонлик тўрт уруш фахрийсига Словения ордени топширилди

ЯҚИНДА Бекобод туманидаги Ойбек номли жамоа хўжалиги аъзолари катта тантанага йиғилишди. Бунинг сабаби ўз ҳамқишлоқлари Эрмат аканинг Словения ордени билан тақдирланиши эди. Мукофот унга роппароса 51 йилдан сўнг топширилди.

Эрмат ака Тўрақуловнинг сермазмун ҳаёти саҳифаларини варақлаган одам бутун Оврупо географиясини ўрганиб олади. Аслида ҳам ўн саккиз ёшга етаретмас ҳарбий хизматга чақирилган бекободлик ўспирин қайси шаҳарларни кезмади, қандай дарёю қўллар, ботқоқликларни кечиб ўтмади дейсиз. У навқирон умрининг етти йилини ватанидан узоқда ўтказди. 1943 йил армияга чақирилган йигитча бутун фронт жаҳаннамларига кириб чиқди. Полтава, Кривоград, Днепропетровск, Херсон, Одесса, Тираспол, Ясси шаҳарлари. Сўнг Болқон мамлакатлари — Руминия, Болгария, Югославия жанггоҳлари, кейин эса Венгрияни озод қилиш жангларида қатнашиш. 1945 йил февралида Чехословакияда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар. Уруш тугаган бўлса ҳам Эрмат акага жавоб тегмаган эди. Пулемет бўлинмасининг командирини япон милитаристларига қарши жангларга шайлаб туришарди. Шу тарзда у Балатон кўли ёнида анча вақт қолиб кетди. 1950 йилдагина Украинадан она юртига қайтиб келди. Омади бор экан, неча дафъа ўлимга чап берди, оғир яраланди, даволаниб яна сафга турди...

Эрмат Тўрақулов Бекободга омон-эсон қайтиб, иккинчи ҳаётини бошлади. Оила қурди, уч ўғил, беш қиз ўстириб вояга етказди, йигирма нафар неварани буваси бўлди. Кўп йиллар йирик жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилган Эрмат ака нафақага чиққан бўлишига қарамай ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигининг моҳир ташкилотчисига ўтган йили беш гектар ер ажратиб берилди. Бу жойда у «Дўстлик» фахрийлар ширкатини тузди. Бекободлик ишбилармонлар унинг мана шу ширкатдаги ғайрат-шижоатига ҳам тан беришмоқда. Эрмат ака янги ерда мўл ғалла етиштирмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ниятида катта молхонани қуриб битказди. Бу ерда боқилаётган мол, бия, отлари ўз оиласига ҳам, эл-юртга ҳам қутбарака келтирмоқда.

Уруш фахрийси Эрмат Тўрақуловга Словения президенти ва мудофаа вазири имзо чеккан нишон гувоҳномаси топширилди ҳамда кўксига қардош мамлакат ордени тақиб қўйилди.

— Бу орденга сабаб бўлган воқеа 1945 йил майида юз берганди. Бизнинг хайрихоҳлигимизда словак халқининг қўзғолони бўлиб, фашистик диктатурага барҳам берилди. Қардошлар юртида озодлик ва ғалаба байроғи кўтарилди, — дейди ярим аср илгариги воқеаларни эсларкан Эрмат ака.

Словак халқи ўз халоскорларини унутмади. Ўзбекистонда Словения консуллиги орқали ўша қаҳрамонлар топилди. Э. Тўрақулов билан бирга медицина фанлари доктори, профессор Муқаддам Ашрапова (ўша пайтдаги полк шифокори), генерал Собиржон Охунжонов (ўша пайтда танк батальони командири), нефтегаз тизимида масъул лавозимда ишлаётган Анатолий Ильич Водовозов (собиқ станокли пулемет ротасининг командири) лар ҳам шу орденга сазовор бўлдилар.

Ҳа, қаҳрамонлик унутилмайди, яхшилик асло ёддан чиқмайди.

Соат МУСАЕВ,

СУРАТДА: иккинчи жаҳон уруши ногирони Эрмат Тўрақуловни Ўзбекистон фахрийлар ташкилоти раисининг муовини Собиржон Охунжонов мукофот билан табрикламоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

БИРИНЧИ ТАБАҚАДА КУРАШ ҚИЗҒИН

МАМЛАКАТ биринчилиги биринчи табақасида аввалги турда кескин курашда «Бўкалик» «Ғазалкент»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, ўн биринчи турда Қибрайнинг «Роҳат» жамоаси билан учрашиб, 1:1 ҳисобида дурангга эришди.

Мазкур турнинг айрим натижаларини мухлислар эътиборига ҳавола этмоқчимиз: 13 та учрашувнинг 7 тасида майдон эгалари ғолиб келган бўлса, фақат бир учрашувда омад меҳмонларга кулиб боқди. Беш ўйин эса дуранг бўлиб тугади. Дарвозаларга жами 33 та тўп киритилди. 21 ўйинчи огоҳлантириш олди, 3 футболчи майдондан чиқариб юборилди.

Футбол

«Темирйўлчи»ни ўз майдонида қабул қилиб 1:0 ҳисобида навбатдаги ғалабага эришган Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўн ўйиндан сўнг 20 очко билан кучли олтиликдан жой олиб турипти. Жадвални эса 29 очко тўплаган «Зарафшон» футболчилари бошқариб боришмоқда. «Чилонзор» жамоасида 28 та, «Прогресс» клубида 26 та очко бор.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зарафшон» — «Гулистон» — 3:1, «Прогресс» — «Ҳисор» — 1:1, «Диёр» — «Зафар» — 2:0, «Чилонзор» — «Кимёгар» — 2:0, «Истиқлол» — «Ғазалкент» — 0:0, «Олтинкўл» — «Шўртон» — 3:1, «Шаҳрихон» — «Насаф» — 0:1, «Тўқимачи» — «Тегирмончи» 5:1, «Ситора» — «Ёшлик» 4:1, «Орол» — «Норин» — 2:2, «Гиламчи» — «Навбаҳор-2» — 0:0.

МУҲАББАТ — САДОҚАТ ДЕМАК

БЕЛГИЛАНГАН вақтга саноқли кунлар қолди. Юқори синф ўқувчилари мактаб ёнидаги қабристонни ўт-ўланлардан тозалаш мақсадида хашарга чиқдилар. Кимдир дарахтларни оқлаган, кимнингдир қўлида супурги, кимдир ерга ишлов берган, хулласи, ҳамма иш билан машғул...

Саиднинг юраги бугун «негадир» безовта, онда-сонда Ойгулга кўз қирини ташлаб қўяди. Гарчи қиз ўзини бепарво кўрсатаётган бўлсада, унинг-да фикри-ҳаёли йигитда. Саид фурсат топиб қизга ўз муҳаббатини ошкор қилмоқчи, унинг ҳам жавобини олмоқчи бўлди. Ойгулнинг ёлғиз қолганини кўриб, бор иродасини жамлаб, унинг олдига борди ва дилидагини тилига чиқарди. Ойгул эса унинг гапига жавобан ҳазил аралаш «Келиб-келиб қабристонда севги изҳор қилганингизни қаранг» дедида, ним табассум қилиб, дугоналари томон кетди.

Ойгулнинг Саидга бўлган ҳурмати чексиз эди. Бугун эса унинг ўрнини муҳаббат деб аталмиш илоҳий туйғу эгаллади.

Ўқув йили ҳам охирлади, битирувчилар ҳужжатларини топшириб, мустақил ҳаётга қадам қўядиган бахтли онларга саноқли кунлар қолди. Саид билан Ойгул муҳаббатнинг энг тотли ҳаёлларидан сармаст эдилар. Ана шундай кунларнинг бирида Саидга чақирув қоғози келди. Тез кунда уни ҳарбий хизматга олиб кетдилар. Кунлар кетидан ойлар ўта бошлади. Ошиқлар учун бу айрилиқ оғир кечди, ҳар бир кун уларнинг наздида нақ юз йилга тенг эди. Саид хизмат бурчини афғонда ўтади. Сўнгги мактублари Афғонистон саҳроларида дарбадар кезди. Икки интиқ қалб мактубларда «дийдорлашди»...

Афсус, инсон ҳеч қачон тақдирнинг чангалидан қочиб қутулолмаскан... Уйга қайтишга саноқли кунлар қолганди, душман минасидан ҳосил бўлган ёнгинда Саид чап оёғидан оғир жароҳатланди. Жарроҳлар операция чоғида Саидни сақлаб қолиш учун мажруҳ оёғини кесиб ташладилар. Бир неча кундан кейин ўзига келган Саиднинг кўзларига дунё қоронғу кўринди. Тақдирига лаънатлар ўқиди. Миясида чарх ураётган саволдан аъзои-бадани титраб кетди: «Ойгул энди мендан юз ўгиради!». Энди яшашнинг қизиғи қолмагандай эди.

...Мана қадрдон она қишлоғи. Кўз ўнгида ўша поёнсиз далалар, ўша чексиз осмон. У эртаклардаги пахлавон каби уйига кириб келди. Муштипар онанинг дод-фарёди заминни ларзага келтирди. У фарзандини бағрига босганича, боласининг юзларини силаб йиғларди. Икки йил аввал шу хонадондан икки оёқлаб, соғлом чиқиб кетган норғул фарзандининг бугун қўлтиқтаёқ билан кириб келиши онани эсанкиратиб қўйди.

Орадан кунлар ўта бошлади. Саиднинг ҳаёллари Ойгул томон етаклайверди. У ҳижрон азобига чек қўйиш мақсадида Ойгул билан учрашмоқчи бўлди. Бахтли дақиқалар ҳам етиб келди. Улар учрашишди. Саид гуноҳкорона бош эгиб турар, юраги безовта урарди. Лекин Ойгул Саиднинг ўксик кўнглини кўтарди. Муҳаббатга қиёнат қила олмаслигини, унинг учун ҳамма нарсага тайёр эканини айтди. Улар кечга қадар суҳбатлашдилар.

Саид бу ҳолни кутмаган эди. У Оллоҳ насиб этган буюк муҳаббати олдида бугун таъзим қилди. Ойгулнинг мағрурлиги, иродаси унга улуғвор руҳ бахш этди, унга далда берди. Онасини совчиликка юборишга ўзида журъат сезди. Бечора она минг бир азоб, андишалар билан қизнинг остонасига қадам қўяр экан, худога нола қилар эди: «Эй парвардигор! Боламга раҳминг келсин! Унинг орзу-умидларини саробга айлантирма. Бандаларингга ўзинг инсоф бер, қалбига меҳр-шафқат сол!»

Э-воҳ... Қизнинг ота-онаси розилик бермади. Аксинча «тенг-тенги билан, деган ақидага амал қилинглар», — дея гапни қисқа қилдилар. Ойгулнинг оиласи бадавлат оилалардан бўлиб, унинг ота-онаси анча уддабурон кишилар эди. Уларнинг айтишича, қизларини ҳам ўзлари тенги оилага, тўрт мучаси соғлом йигитга турмушга берармишлар.

Ҳа, Ойгул бу оиланинг фарзандига сира ўхшамасди. Унинг юрагида буюк муҳаббат, қалбида меҳр, кўзларида сеҳр бор эди.

Муҳаббат деб аталмиш мўъжиза икки ёшнинг қалбига ўчмас ўт ёққан экан, бу ўтларни сўндирмоқнинг боиси нима? Бечора қиз... Ахир у ҳам йигитни севади-ку? Унинг ногиронлигини кўра била туриб, ундан воз кеча олмадику? У муҳаббатининг қудратини яна нима билан акс эттирсин.

Қизнинг ота-онаси Саид ҳақида эшитишни ҳам хоҳламасдилар. Ойгул аламли кўз ёшлари билан волидасига юзланиб, ундан шафқат кутарди.

У Саидни севади, лекин, фарзандлик андишаси устун келди, ота-онасига «уни севаман» деб тик айта олмади.

Инсон ҳаёт неъматларидан баҳра олар экан, ҳар бир нарсага муҳаббат кўзи билан боқади. Инсон зоти борки севади, севилади. Афсуски ҳамма ҳам уни тушуниб етавермас экан...

Ошиқларнинг учрашадиган вақти етиб келди. Кўзлар тўқнашди, юраклар безовта ура бошлади. Уларнинг назарида мана шу онларда уларнинг орзулари ушаладигандай, улар барибир бирга бўладиганлай тўйилди... Аммо, ота-онасининг қаршилигига қарамай, севгилиси дийдорига ошиққан қиз ҳам, «Ойгулимни ҳеч кимга бермайман» дея маҳбубаси йўлида интизор турган йигит ҳам бу охирги ва абадий учрашув эканлигини билишмасди. Чунки шу дақиқаларда уларни навбатдаги машъум фожиа кутиб турарди... Маст ҳолда машина бошқариб келаётган ҳайдовчи ногаҳон мувозанатни йўқотди. Олдиндаги машинага урилиб кетмаслик учун рулни зарб билан ёўл чеккасига бурди. У ерда... ҳиёбон ёқалаб оҳиста қадам ташлаганча, икки киши суҳбатлашиб боришарди. Бир зумда атрофни машинанинг кучли чинқириғи, юракларни ларзага солувчи дод-фарёд эгаллади, сўнг... ҳаммаси тамом бўлди! Икки ғунча очилмай сўлди.

...Шу куни кўкни қора булут қоплади. Осмон йиғлади, дов-дарахтлар, қушлар йиғлади. Шўҳу-шаддод анҳор ҳам йиғлади.

Тақдири азал, айт, нечун суйган бандаларингга бундай аччиқ қисматни ато қилдинг? Улуғ муҳаббат инъом этдинг-у, яна ўзинг армон билан қайтариб олдинг? Ахир булар каби муҳаббатга содиқ инсонлар ҳаётга жуда кам келмайдими?!

Орамизда муҳаббатни ўткинчи ҳис-туйғу деб биладиган, шундай буюк ҳисни арзимас нарсаларга тенглаган инсонларга қарата «Ҳой одамлар! Муҳаббат садоқат демакдир! Унга фақат таъзим қилинади» дея ҳайқиргим келади.

...Қабристон. Бир пайтлар йигит қизга мана шу ерда севгисини изҳор қилган эди. Мана уларнинг қабри ёнма-ён турибди. Фалакнинг гардиши, тақдирнинг аччиқ қисмати билан улар яна шу ерда учрашдилар.

Йиллар ўтди, гўё орадан
Ўтмагандай йиллар сурони.
Учрашишди яна шу ерда
Муҳаббатнинг икки қурбони...

Феруза ОРИПОВА,
Тошкент Давлат Университети Журналистика куллиёти халқаро журналистика бўлими III курс талабаси.

ТАҚДИР

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ҒАРОЙИБ ОДАМЛАР

Бирон хусусиятга эга бўлган ғаройиб одамлар ҳақида гап борганида кўпчилик бу хабарни ишониб-ишонмай қабул қилади. Аммо шундай кишилар ҳам борки, улар «ернинг тагидагини ҳам» кўра оладилар, бошқаларнинг хаёлидаги фикрларни ўқийдилар. Қуйида ана шундай одамлар ҳақида сўз боради.

ҚАРАБ ТУРИБ ПЎЛАТНИ ҲАМ ЭГАДИ

ЁШГИНА испан қизи Моника Техада ғаройиб қобилиятга эга. У мовий кўзлари билан қараб туриб, металл нарсаларни эгиб ташлайди.

Бу ерда ҳеч қандай фирибгарлик йўқ. Тадқиқотчилар пўлат симни шиша идишга солиб, қопқоқ билан беркитиб қўйишди. Моника унга қараб туриб симни згди-да, оғзи ланг очилган қадимги замон ҳайвони — динозаврнинг шаклини ясади!!! Ишонмайсизми? Ишонаверинг, қизгина «ишлаётган» пайтда унинг тани ҳарорати кўтарилиб, қон босими пасайиб кетди. Бундай ҳолат шифокорларни ҳам ҳайрон қолдирди. Худди шу пайтда электроэнцефалограф эса ухлаётган киши учун мос бўлган биотокларни аниқлади.

Моника ўзидаги яна бир ғаройиб хусусиятни намоён килди. У беморларнинг қандай касаллик билан оғриганини аниқ айтиб беради. Мутахассислар қизнинг келажаги порлоқ эканлигини башорат қилмоқдалар. Аммо онаси эса Мониканинг қари қиз бўлиб ўтишидан хавфсирайди. Чунки эркаклар ундан қўрқаяптилар-да! Қизнинг мовий кўзлари пўлатни эгиб ташлаганида, эркаклар унинг учун нима деган гап.

УЙҚУСИЗЛИКДА ТЎҚСОН ЙИЛ

40-ЙИЛЛАРДА АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Трентон шаҳри чеккасида Ал Херпин исмли ғаройиб киши яшарди. У тўқсон ёшга кирган эди. Бироқ унинг уйида ухлаш учун на кровати ва на сўриси бор эди. Ал Херпин узоқ умри давомида бирор кун ҳам кўзини юммаган. Тўқсон ёшли қарияни жуда кўп шифокорлар синчиклаб текширишган ва соғлиғи, иштаҳаси, меҳнатга қобилияти жиҳатдан бошқалардан ҳеч қандай фарқ қилмаслигини аниқлашган. Ал Херпин кундузи меҳнат қилиб, чарчагач, ўзининг ёқтирган курсисига ўтириб мутолаа билан шуғулланган. Куч-қувватини тўплаб олгач яна меҳнатга берилган. Шифокорлар унинг доимий уйқусизликка йўлиққани сабабларини аниқлай олмаганлар.

НАФАСДАН АЛАНГА

1927 ЙИЛДА АҚШдаги барча газеталарда шахсан президентнинг ўзи нафасидан аланга чиқадиган Андервуд исмли қора танли йигитни текшириш билан шуғулланаётганлиги ҳақидаги мақолалар босилган. Кунларнинг бирида Л. Вудман деган шифокорнинг қабулига ёшгина қора танли йигит кириб ёрдам беришни сўраган. У кимларнингдир дастрўмолини олиб, оғзига ёпган-да, нафас ола бошлаган. Бир неча сониядан сўнг дастрўмол ёниб кул бўлган. Андервудни батамом ечинтириб, оғзини чайқатиб, синчиклаб текширишган. Аммо у нафаси билан қоғоз ёки матоларни ёндириб юборавергани. Сўнгра бир қисм қуруқ баргни олиб, нафасини чиқарганида барг ҳам алангаланиб кетган. Шифокорлар йигитнинг оғзини турли аралашмалар билан ювиб-чайиб ташлашган, турли резинадан ясалган жарроҳлик қўлқопларни кийдиришган, бироқ натижа аввалгича бўлаверган. Қора танли йигит ҳамиша оҳиста нафас олишга мажбур эканлигидан шикоят қилган. Агар чуқур нафас олса ўт чиқиб кетишидан ҳавотирланган. Андервудни шифокорлар узоқ вақт давомида қайта-қайта текширишди. Аммо ҳеч ким бунинг сабабини аниқлай олмаган.

МИНОРАГА БЕРКИТИЛГАН ТЎҒНОҒИЧ

ВЕНГРИЯЛИК Франц Полгар ҳам ғаройиб кишилардан бири саналган. Паст бўйли, сочлари қордай оқарган кўз бойлағич Америкадаги шаҳарларнинг турли майдонларида томошалар кўрсатиб юрган. 1950 йилда эса халойиқ олдида тажриба ўтказишни таклиф қилган. У мўъжазгина кумуш тўғноғични Нью-Йоркдаги 102 қаватли Эмпайр Стейтс Билдинг номи билан аталган машхур бинонинг истаган жойига яшириб қўйишса ҳам қисқа вақт ичида топиб беришини айтган.

Полгар кўпгина журналистлар қуршовида ўз ваъдасининг устидан чиқди. Тўғноғични энг юқори қаватдаги хоналардан бирида сейфга яшириб қўйишган эди. Полгар уни сира ҳам адашмай топиб борган. Шундан сўнг бу ғаройиб киши ўз томошаларида хизмат ҳақи учун оладиган чекни яшириб қўйишган жойдан ҳам топишни одат қилди. Кишилар бу чекни кутилмаган жойларга, ҳатто теннис коптогининг ичига, полиция тўппончасининг ичига ҳам яширишган. Полгар эса ларни қойил қолдириб, хизмат ҳақини ўша жойлардан ҳам топиб оларверган.

«БИГ БЕН» СОАТИНИ ТЎХТАТГАН КИШИ

ҲОЗИР жаҳондаги экстрасенслар орасида энг машҳури Ури Геллердир. Унинг тўғрисида неча-неча китоблар ва мақолалар ёзилган. Геллер жаҳондаги деярли барча мамлакатларда бўлиб, ўзининг ғаройиб томошаларини кўрсатган. Кўпгина мамлакатларнинг олимлари унинг имкониятлари сирлари билан қизиққанлар. Геллер ҳам ўз навбатида тадқиқотларда қатнашиш истагини билдирган. Геллернинг айтишича, беш яшарлик пайтида қаттиқ ток ургач унда ана шундай хусусият пайдо бўлибди. Ёшлик давриданоқ у Исроилдаги клубларда томошалар кўрсатиб, кишиларни қойил қолдирган. Айниқса унинг фикран буйруқ билан вилка ва қошиқларнинг бандларини эгиб юбориши томошабинларда чуқур таассурот қолдирган.

Кейинчалик у АҚШга кўчиб борди ва илмий муассасалар ходимларини ўз тажрибалари билан қизиқтириб қўйди. Шундан сўнг матбуот ва телевидение Ури Геллерга ўз эшикларини кенг очиб берди. Геллер АҚШдаги энг машҳур кишилардан бирига айланди. Унинг қўлидаги металл асбоблар ўткир нигоҳи остида ўз-ўзидан эгилиб-букиларди. Геллер ҳатто узоқда туриб тўхтаб қолган соатларни ҳам юргизиб юборарди. Бир куни эса Лондондаги машҳур «Биг Бен» соатини ҳам тўхтатиб қўйди.

Саноатчилар айниқса Ури Геллернинг қобилиятини юксак қадрлардилар. Негаки, у ер остида нефть ва бошқа фойдали қазилмалар борлигини сира ҳам янглишмай айтиб берарди. Шу сабабли саноатчилар унга мўмайгина маош тўлардилар. Геллер бошқаларнинг фикрини ўқиш, воқеаларни олдиндан башорат қилиш каби қобилиятга ҳам эга эди.

ҲИД СЕЗИШИ ТОВОНИГА ТУШИБ КЕТДИ

ДОКТОР Чезаре Ломброзо фан дунёсида машҳур бўлган невропатолог ва психиатрлардан бири ҳисобланарди. У ўзининг «Ўлимдан сўнг нима бўлади?» сарлавҳали китобида бирданига сўқир бўлиб қолган ўн тўрт ёшли қиз ҳақида батафсил ҳикоя қилган. Қизнинг кўзи ожизланиб қолгач унинг бошқа аъзолар билан кўриш қобилияти ҳам борлиги маълум бўлди. Ломброзо ўтказган текширишларида қиз бурни ва чап қулоғининг юмшоқ жойи билан кўришини аниқлади. Текшириш чоғида шифоркорлар унинг кўзини боғлаб ташлашган. Аммо қиз ёзилган хатни бемалол ўқиб, турли рангларни янглишмай айтиб беравергани. Унинг чап қулоғи ёнида чироқ ёқишганида қизнинг кўзи пирпираган, шифокор бурни учига бармоғини теккизганида эса «У нима қиляпсиз, ахир мени кўр қиб қўясиз-ку», деб юборган.

Қизнинг бошқа сезги органларида ҳам ўзгаришлар рўй берган. Тадқиқотчилар унинг бурни тагига нашатир спиртини олиб келишганда ҳеч нарса сезмаган. Бироқ бу спиртни дақани тагига қўйишганида эса қиз қичқириб юборган. У дақани билан гулларнинг исини ҳам сезган. Кейинчалик эса ҳид билиш сезгиси ўз жойини ўзгартириб, қизнинг товонига тушиб кетган.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН!

Қўзиқоринда масаллиқ тайёрлашда ичида заҳарлилари борлиги кўпинча унутиб қўйилади. Баъзи бир хонадон соҳибалари қишда истеъмол қилиш учун консервалашади ҳам. Шуни эсда тутмоқ керакки, 1992—1993 йилларда вилоятнинг Қибрай, Ўртачирчиқ, Оққўрғон туманларида қўзиқоринда заҳарланиш рўйхатга олиниб, унда 15 нафар одам заҳарланган, шундан иккитаси ёш болалар, 1 таси ўлим билан тугаган.

Юқоридагидек аҳвол такрор юз бермаслиги учун нималарга эътибор бериш керак? Мана шу хусусда гапириб бериш мухбиримиз Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станциясининг бош шифокори Р. А. ҚОСИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Рауф Абдусумадович қўзиқорин ишқибозлари кўпроқ нималарга аҳамият беришлари зарур?

— Қўзиқорин теришда шуни назарда тутмоқ керакки, уни 10 мингдан ортиқ тури бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида 300 га яқин тури учрайди, лекин шундан фақат 25 тасигина истеъмолга яроқли ҳисобланади.

Табиатда Лепида деган ўта заҳарли қўзиқорин учраб, уни истеъмол қилиш ўлимга олиб келади, бу қўзиқориннинг янгисидан мева ҳиди, қуритилганидан эса, қўланса ҳид келади. Бундай қўзиқоринларда цианлид модда бўлиб, улар истеъмол учун яроқли макролепиода қўзиқорининга ўхшаб кетади, фақат ундан бир оз кичиклиги билан фарқ қилади, заҳарланган одамларда кўнгил айниши, қусиш, қорин бўшлиғида оғриқ пайдо бўлиши, ич кетиши, жигарнинг зарарланиши каби белгилар пайдо бўлади.

— Айрим заҳарли қўзиқоринлар ташқи кўринишидан истеъмолга яроқлиларга ўхшаб кетар экан, шулар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— «Бледная поганка» деган қўзиқорин табиатда тез-тез учраб туради, у ташқи кўринишидан шампиньон ёки сироежка қўзиқоринларга ўхшаб кетади, унинг пластинкалари оқ бўлиб, қулупнайсимон йўғонлашган, атрофи ёқасимон ўралган бўлади, тўқимаси оқ, ширинсимон таъмга эгадир. Қўзиқориннинг бу турида 2 хилдаги заҳарли модда ўта тез таъсир қилувчи фалоид ва секин таъсир қилувчи, лекин ўта таъсирчан амонитосин бўлади. Улар иситишга ўта чидамли, қайнатилганда сувга чиқмайди, ҳавода ўзгармайди, овқат хазм қилиш йўлларидаги ферментлар уни парчаламайди, иккала заҳар ҳам жигар ва бўйракни заҳарлайди. Бу қўзиқорин иссиқлик билан ишлов берилганда, қайнатилганда ҳам заҳарли моддасини сақлаб қолиш билан ажралиб туради.

— Одам уйда заҳарланиб қолса тез тиббий ёрдам етиб келгунига қадар нима қилиш керак?

— Қўзиқорин истеъмол қилинганидан кейин юқорида қайд қилинган хасталик белгилари пайдо бўлганда врач келгунча беморнинг ошқозони, ичакларини ювиш, ўрингa ёткизиш керак, қусиш ва ич кетиш натижасида йўқотилган суюқликни тиклаш учун беморга тузли сувни кам-кам миқдорда ичириш ёки аччиқ чой бериш тавсия этилади.

— Қўзиқоринда заҳарланишни олдини қандай олса бўлади?

— Қўзиқорин терувчи одам, уни истеъмол қилиш учун яроқли ёки яроқсизлигини албатта билиши керак:

қариган, қурт босган, қорайиб, бузилган қўзиқоринларни ташлаб юбориш керак;

Шифокор огоҳлантиради

қўзиқоринларни кейинчалик ейиш учун тайёрлашда шунга аҳамият бериш керакки, пластинкали қўзиқоринларни фақат тузлаш ва мариновка қилиш керак, бундан олдин уни 5-7 дақиқа ичида шўр сувда қайнатиб, оқар сувда ювиш керак. Пластинкали қўзиқоринларни қуритиш ва ундан икра тайёрлаш мумкин эмас;

истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларни консервалаш учун автоклавда 120 ҳароратда 30 дақиқа давомида зарарсизлантириш керак, уй шароитида қўзиқоринларни консервалаш тавсия этилмайди;

— Демак, мана шу тавсияларга амал қилинса фойдадан ҳали бўлмайди. Шу ўринда, қўзиқоринни териш ва сотиш хусусида бирон-бир тақиқловчи қарор борми? Агар мавжуд бўлса мана шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Ўзбекистон жумҳурияти Бош Давлат санитария врачининг 1990 йил 17 апрелдаги қарорига мувофиқ, қўзиқорин териш ва уни сотиш таъқиқланган. Сизларга мурожаат қиламизки, уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари, шу жумладан қўзиқорин консервалари сақланиб қолган бўлса, ниҳоятда эҳтиёт бўлишингизни эслатиб қўямиз. Негаки, уларни истеъмол қилиш оқибатида «Ботулизм» хасталиги билан касалланиб қолиш мумкин, агарда уйда сақланаётган маҳсулотларингизда қандайдир бирон бир ўзгариш сезсангиз (қопқоғи шишиб қолган бўлса, ички қисми хиралашган, қопқоғи қорайган бўлса) шунингдек, шиша банка очилганда қўзиқоринлар юмшаб, қўлланса ҳид таралиб таъми бузилган бўлса бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш мумкин эмас.

Суҳбатдош Миржалол МИРАЛИЕВ.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

- *Меҳмонни азиз тутинг, меҳмон келган хонадонга баракот киради.*
- *Ота-онангиз ҳаққини унутманг, зеро, ота-она рози — худо рози, дейдилар.*
- *Қариндош-уруғлардан, ҳешу-ақраболардан, қўни-қўшнилардан хайр-эҳсонингизни аяманг.*
- *Аҳду-вафода ҳамиша содиқ бўлинг.*
- *Солиҳ кишилар билан ҳамиша суҳбатда бўлинг, яхшиларга эргашинг.*
- *Иймонга хилоф равишда ёлғон сўзлар билан қасам ичманг.*
- *Етимлар молига кўз олайтирманг.*
- *Кексалик ғамини ёшликда енг.*
- *Кексалар сўзини қайтарманг.*
- *Мутакаббирлар билан дўст тутинманг, улардан қочинг.*
- *Танглик вақтида фаровонликни, фаровонлик пайтида тангликни унутманг.*
- *Сизда бировнинг омонати бўлса, эгасидан ҳам жонкуярроқ бўлинг.*

Тўпловчи: Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0305. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10040 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6